

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(136)
2004 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

520. «Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 604-сон қарори
521. «2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сон қарори [Кўчирма]
522. «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 декабрдаги 609-сон қарори
523. «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарори [Кўчирма]
524. «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 декабрдаги 620-сон қарори

Тўртинчи бўлим

525. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 29 декабрдаги 237-сон қарори
526. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 30 декабрдаги 238-сон қарори

Бешинчи бўлим

527. «Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 13 декабрдаги 119, 2004-63, 01/06-20-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 25 декабрда 1436-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
528. «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 9 декабрдаги 2004-68-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 25 декабрда 1437-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
529. «Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 7 декабрдаги 82, 286, 46, 95-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 декабрда 1438-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
530. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 26 ноябрдаги 24/13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 31 декабрда 1345-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 25 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

520 Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон пахта толасини сертификациялаш «Сифат» маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарияти томонидан зарур даражадаги талабчанликнинг йўқлиги натижасида ғўза уруғчилиги, янги ва истиқболли навларни яратиш, юқори репродукцияли элита ва навларни сақлаб қолиш, шунингдек ғўзанинг сифатли уруғлик чигитини тайёрлаш масалаларидаги ишларнинг вужудга келган аҳволи қониқарсиздир.

Ғўзанинг янги ва истиқболли навлари уруғчилиги ва селекцияси билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари, рўйхатдан ўтказилган навлар уруғларини етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари раҳбарларининг интизоми ва масъулияти пастлигича қолмоқда.

Ғўза уруғларини саноат жиҳатидан тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва сортларга ажратиш, уруғлик чигитга қўйиладиган бошқа талабларни бажариш билан шуғулланувчи пахта тозалаш заводларини ихтисослаштириш ишлари тубдан яхшилашни талаб қилади.

«Уруғчилик тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлар талабларига риоя қилинмаяпти.

Дастлабки уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаб кўриш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва уларнинг экспериментал базалари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ҳамда яқуний натижа учун жавобгарлигини ошириш борасида кўплаб ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Бунинг натижасида жойларда ғўзани районлаштириш, чигит экиш ва пахта хом ашёси етиштиришда ҳар қайси алоҳида ғўза навига қўйиладиган агротехнологиянинг зарур талаблари ва шартлари таъминланмаяпти.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва ғўза уруғчилигини ташкил этишни яхшилаш, пахта етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғликлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ғўза селекцияси ва уруғчилиги, истиқболли ва юқори ҳосилли, касалликлар ва зараркунандаларга бардошли, пахта толаси параметрлари халқаро талабларга жавоб берадиган юқори сифатли бўлган навларнинг сифатли уруғларини тайёрлаш масалаларида техника сиёсатини ўтказиш бўйича;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, пахта тозалаш заводларининг уруғларни саноат жиҳатидан тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва сортларга ажратиш бўйича ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, биринчи навбатда

Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, элита-уруғчилик хўжаликлари раҳбариятининг фаолияти уларнинг якуний иш натижалари бўйича, мазкур ишларнинг пахта етиштирувчи хўжаликларда қандай йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилаётганлиги бўйича баҳоланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва элита-уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун аниқ жавобгарлигини назарда тутувчи Низомни тайёрласин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қўйидагилар:

ғўзанинг янги ва истиқболли навларини янада яхшилаш ва дастлабки уруғчилик билан шуғулланувчи экспериментал хўжаликлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;
ғўзанинг рўйхатдан ўтказилган навлари уруғини етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

ғўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўн беш кун муддатда заводларнинг фақат техника билан жиҳозланганлиги ва тайёргарлигини эмас, балки уларнинг минтақавий жойлашганлигини ва транспорт харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича уруғлик чигит етиштиришга ихтисослашадиган пахта тозалаш заводларини белгиласинлар ва уларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

бир ой муддатда 2005-2006 йилларда ихтисослаштирилган заводларни замонавийлаштиришнинг истиқбол дастурини тайёрласинлар, бунда уларни уруғлик чигитни тайёрлаш, калибрлаш, дориллаш ва сортларга ажратиш учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда ғўза уруғини сертификациялашнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқсинлар ва уни белгиланган тартибда қайта тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 декабрь,
604-сон

* 1—3 иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

521 2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги Ф–2069-сон Фармойишини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган:

Зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини 2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarига айлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2005 йилда фермер хўжалиklarига айлантириладиган зарар кўриб ишлайдиган ва истикболсиз ширкат хўжалиklари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

2005—2007 йиллар даврида қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2005 йилда фермер хўжалиklarига айлантириладиган зарар кўриб ишлайдиган ва истикболсиз ширкат хўжалиklари рўйхати жойлардан тушган таклифларга кўра улар сонини кўпайтириш томонига ўзгартирилиши мумкин.

2. Белгилаб кўйилсинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш, шунингдек қишлоқда бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиш «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон ва «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорларига қатъий мувофиқ амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Дехқон ва фермер хўжалиklари уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда:

голибларни аниқлашда ҳолисликни таъминлашни, талабгорлар ўртасида очик ва ошқора танловлар ўтказишни назарда тутган ҳолда 2-иловага мувофиқ ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирларини амалга оширсинлар;

майда пахтачилик ва ғаллачилик фермер хўжалиklarининг ер майдонларини белгиланган тартибда мақбуллаштириш ва йириклаштириш, уларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

* 1—3-иловалар берилмайди.

4. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда 2005 йилда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари 3-иловага қатъий мувофиқ равишда жойлаштирилишини белгиласин ҳамда уларнинг ташкил этилиши устидан назоратни таъминласин;

2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда зарар кўриб ишлайдиган ва истикболсиз ихтисослаштирилган чорвачилик, қоракўлчилик ва мева-сабзавотчилик ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2005 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилда фермер хўжаликларига айлантирилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари рўйхатини тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. «Ўздонмахсулот» компанияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қайта ташкил этилаётган ширкат хўжаликлари билан илгари тузилган контрактация шартномаларига мутаносиб ҳажмда давлат эҳтиёжлари учун 2005 йил ҳосилдан бошоқли экинлар донини харид қилишга янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш ишларини ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилда 2-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги корхоналари фермер хўжаликларига айлантирилиши, фермерларга ер участкалари беришда қонунийликка риоя этилиши ва талабгорлар ўртасида танловлар ўтказилишининг холисоналиги, шунингдек фермер хўжаликлари томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши механизмини такомиллаштириш юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

уч ой муддатда фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплам шаклида нашр этсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда хорижий инвестицияларни, шу жумладан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантиришга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида етказиб беришни кўпайтиришга ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган имтиёзли кредитларни жалб этиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

13. Ўзбекистон Телерадио компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг

фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларини ёритиш бўйича телевидение ва оммавий ахборот воситаларида махсус кўрсатувлар ва рукнлар ташкил этсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 декабрь,
607-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 24 декабрдаги 607-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда):

а) Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисидаги намунавий низомда:

1.2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ҳокимининг биринчи ўринбосари — Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи» сўзлари «ҳоким ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ер ресурслари туман хизмати» сўзлари «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.3-банддаги «бошқармаси» сўзи «бўлими» сўзи билан алмаштирилсин;

б) Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартибида:

2.3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг туман хизматлари» сўзлари «туманлар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.3-банддаги «Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда мазкур Тартибга 2-иловага биноан шакл бўйича ижара шартномаси ер участкасини узоқ муддатли ижарага беришнинг намунавий шартномасига» сўзлари «Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Тартибга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 105-модда):

а) 5-бандда:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 июндаги 278-сон қарори билан ташкил этилган Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар амалга оширилишининг мониторинги бўйича Ҳукумат комиссиясига» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ҳукумат комиссияси (Р.С. Азимов) сўзлари Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Фермер хўжалигининг намунавий уставида:

1-банд «танлов асосида» сўзларидан кейин ва «ижара шартномасига кўра» сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжалиги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш, шунингдек етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш юзасидан мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулки билан субсидиар жавоб беради»;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Уставда:

фермер хўжалигининг номи;

фермер хўжалиги раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

фермер хўжалиги жойлашган жой ва унинг почта манзили;

фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

устав фондининг миқдори кўрсатилиши керак.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин»;

11-бандда:

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кредитлар олиш учун ўз мол-мулкани, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш»;

ўн еттинчи хатбошидаги «бирлашиш» сўзи «қўшилиш» сўзи билан алмаштирилсин;

12-бандда:

«ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда» сўзлари «қонун ҳужжатларига ва ижара шартномасида белгиланган шартларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши «ер участкасидан фойдаланиш шартларига ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш»;

ўн учинчи хатбошидаги «стандартлар» сўзи «агротехника» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш»;

банд қўйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш»;

13-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Уставда фермер хўжалигининг пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул баҳосидаги мулкый ҳуқуқлардан ҳосил бўлиши мумкин бўлган устав фонди миқдори кўрсатилади»;

банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалигининг устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш фермер хўжалиги раҳбарининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартириш кириши йўли билан амалга оширилади»;

19-банд биринчи хатбошининг иккинчи жумласи «қонун ҳужжатларига» сўзларидан кейин «ер участкасини ижарага олиш шартномасига» сўзлари билан тўлдирилсин»;

36-банддаги «бирлашиш» сўзи «қўшилиш» сўзи билан алмаштирилсин;

в) Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

8-банднинг биринчи хатбоши «бўлиши» сўзидан кейин «шунингдек субижарага берилиши» сўзлари билан тўлдирилсин;

15-банд «қарор чиқаради ва» сўзларидан кейин «уч кун муддатда» сўзлари билан тўлдирилсин;

16-банд қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Рад этиш тўғрисидаги қарор танловни ўтказиш шартлари бузилган тақдирда ва ер участкасини ижарага бериш тартибининг қўпол равишда бузилишлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади»;

31-банддаги «ер ресурслари бўйича туман хизмати» сўзлари «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банддаги «ер ресурслари бўйича туман хизматида» сўзлари «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

522 Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишга доир фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 498-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 3-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 53-банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Товарлар ёки бошқа бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилганлиги натижасида божхона органлари ва чегарачилар томонидан олиб қўйилган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ёки бошқа бойликларни сотишдан суд ижрочилари тегишли бўлинмаларининг махсус ҳисобварағига тушган пул маблағлари уч банк куни мобайнида қўйидаги тартибда тақсимланади:

70 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

20 фоизи — бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва товарларнинг чегара орқали қонуний олиб ўтилишини таъминловчи ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 декабрь,
609-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚAPOPИ

523 Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2004 йил 2 декабрдаги 701–II-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 2005 йил учун: юридик шахслардан даромад (фойда) солиғи ставкалари 5-иловага* мувофиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромаддан солиқ ставкалари 6-иловага* мувофиқ;

солиқ солишининг содалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкалари 7-иловага* мувофиқ;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари 8-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фойзалар тарзида олинadиган даромадлардан солиқ ставкалари 9-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича белгилаб қўйилган солиқлар ставкалари 10 ва 11-иловаларга* мувофиқ;

рўйхат бўйича республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган товарлардан акциз солиғи ставкалари 12-1* ва 12-2-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

юридик шахслардан олинadиган мулк солиғи ставкалари 15-иловага* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинadиган мулк солиғи ставкалари 16-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 17-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғини қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда тўлашга ўтган тўловчилар учун ягона ер солиғи ставкалари 18-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган тўловчилар учун ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкалари 21-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2005 йил 1 январдан бошлаб Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун, экспериментни давом эттириш доирасида, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш татбиқ этилсин.

* 5—21-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача Сурхондарё вилояти барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматини қайта баҳолаш, шунингдек Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматини, ушбу вилоятларда ўтказиладиган эксперимент натижаларини таҳлил қилиш асосида аниқланган ерлар баҳосига таъсир қилувчи қўшимча омилларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлаштириш ишларини амалга оширсин;

2005 йил 1 майгача Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ягона ер солигини ҳисоблаб чиқариш учун кўрсатиб ўтилган вилоятларнинг барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматининг аниқлаштирилган баҳоси натижаларига кўра, зарурат бўлганда, ягона ер солигининг белгиланган ставкасига тузатишлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. 2005 йил 1 январдан бошлаб барча корхоналар ва ташкилотлар учун, шу жумладан солиққа тортишнинг алоҳида тартиби қўлланаётган корхоналар учун мактаб таълимини ривожлантиришга 22-иловада* кўрсатилган кўрсаткичларнинг 1 фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш даври учун жорий этилади ҳамда давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. 2005 йилда:

барча солиқ солинадиган айланмалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан товарлар, ишлар, хизматларни сотиш (товар айланмаси) ҳажмидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда) 0,7 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 2,5 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 23* ва 24-иловаларга* мувофиқ миқдорда сақлаб қолинсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

2005 йил 1 январдан бошлаб сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун «ноль ставкаси» қўлланади;

коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари

* 22—24-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

учун Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловларни ҳисоблаб чиқаришда иссиқлик энергияси, сув ва табиий газ харид қийматининг корхона фаолияти спецификасига мувофиқ бўлган ҳажмлари солиқ солиш объектига киритилмайди.

10. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетдаги улушини кўпайтириш мақсадида:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

экология солиғи;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган белгиланган солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турларини амалга оширишдан оладиган даромадларидан олинadиган белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган алкоғолли махсулотлар ва спирт, пиво, ўсимлик ёғи, кир совунга акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 4-бандининг амал қилиши 2008 йил 1 январгача узайтирилсин.

12. Белгилансинки, 2005 йил 1 январдан бошлаб 25-иловага* мувофиқ фаолият турлари фақат юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2005 йил 1 апрелгача ушбу қарорга 25-иловада кўрсатилган фаолият турларини юридик шахс бўлган ҳолда амалга ошириш истагини билдирган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

2005 йил 1 январгача белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган якка тартибдаги тадбиркорлар 2005 йил январь—март ойларида фаолият турларини амалга оширадилар ҳамда улар учун 2004 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган ставкалар бўйича ушбу қарорга 25-иловада кўрсатилган фаолият турларидан олинган даромаддан белгиланган солиқ тўлайдилар.

16. Жойларда мактабгача тарбия болалар муассасалари шохобчалари ва контингентини мақбуллаштириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўзларига идоравий бўйсунишда бўлган мактабгача тарбия болалар муассасаларини бир ой муддатда тегишли маҳаллий ҳокимият органлари таъминотига берсинлар.

17. 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган мактабгача тарбия болалар муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг 30-иловага* мувофиқ табақалаштирилган миқдорлари белгилансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йил 1 январдан бошлаб олий ўқув юртларининг даромадлар ва харажатлар сметаларини талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушаётган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

* 25, 30-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ноль ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий тафовутини хўжалик юритувчи субъектларга тўлаш тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий тафовутнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган корхоналарга ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобига қопланиши назарда тутилсин.

20. Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, шу жумладан республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги тажриба лойиҳасини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижросини босқичма-босқич жорий этишга қўмаклашиш тавсия қилинсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 32-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари чиқарилган норматив ҳужжатларини бир ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

25. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
610-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотадиган
қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 28 сентябрдаги 412-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар учун товарлар ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 4 майдаги 212-сон қарорининг 1, 4—6-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 24-модда).
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 13 сентябрдаги 419-сон қарорининг 12-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика минтақаларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2001 йил 23 ноябрдаги 459-сон қарорининг 5-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорига 28-илова.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорига 5-илова 17-бандининг биринчи хатбоши.
8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига 19—21-иловалар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига
32-ИЛОВА

**2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори 5-бандининг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта маблағларини сарфлаш транзит магистраль йўлларни таъмирлаш ва сақлаш, чет элда ишлаб чиқарилган йўл техникаси, асбоб-

ускуналар, технологиялар ва материаллар сотиб олишга, шунингдек «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг малакали кадрларини чет элда ёки хорижий мутахассисларни республикага таклиф этган ҳолда тайёрлаш учун «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибининг III бўлимида:

1-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«харид, таъминот-сотиш корхоналари, воситачилик ҳақи — ялпи даромад шартномаси бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар учун»;

2-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бошқа сотишлардан олинган даромадлар киради».

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 1 декабрдаги 506-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, Тожикистон Республикаси автотранспорт воситаларидан йиғимлар тўловчилар томонидан бевосита божхона постларидаги тижорат банклари бўлимлари орқали эркин муомаладаги валютада тўланади, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарорининг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари — ягона ер солиғи тўловчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан бирга фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар улар алоҳида ҳисоб-китоб юритишлари ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқларни тўлашлари шарт.

Ер қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ижарага берилган тақдирда ижарага берувчида ижарга берилган ер бўйича ягона ер солиғи тўлаш мажбурияти сақланиб қолади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

2.2.6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.2.6. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектрдан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш.»;

қўйидаги мазмундаги 2.2.16-банд билан тўлдирилсин:

«2.2.16. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар».

1-иловада:

а) 1.15-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1.15. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари учун ҳақ тўлаш, маҳаллий тармоқлар ва Интернет бундан мустасно, шунингдек фақат банк хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган телекоммуникациялар хизмати учун ҳақ тўлаш (кўчма ва пейжинг алоқадан ташқари).»;

б) қуйидаги мазмундаги 1.21-2-банд билан тўлдирилсин:

«1.21-2. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) 4-бандидаги «2005 йил 1 январгача» сўзлари «2008 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида» 2001 йил 30 майдаги 240-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 3-банднинг учинчи хатбошидаги «10» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

б) Ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 10 фоизини Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

Низомнинг номидаги, 1—4 ва 6-бандларидаги «10» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

4-банддаги «90 рақами «93» рақами билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 9—11-бандлар билан тўлдирилсин:

«9. Технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларига, рақамли дастур билан бошқариладиган прецизион ва дастгоҳ асбоб-ускуналарининг радиоэлектрон аппаратларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

10. Телекўрсатувларни тарқатиш (трансляция қилиш) — кабель тармоғи бўйича телерадиодастурларни қайта трансляция қилиш тармоқларига хизматлар кўрсатиш, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш ва телекоммуникациялар хизматлари кўрсатиш.

11. Биржаларда брокерлик фаолияти».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

12-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар юридик шахслар асосий фаолиятдан ташқари улгуржи савдони амалга оширган тақдирда, улар фаолиятнинг мазкур тури бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритишлари ва савдо корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашлари, шунингдек белгиланган тартибда улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи гувоҳномага эга бўлишлари керак»;

21-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар юридик шахслар асосий фаолиятдан ташқари чакана савдони амалга оширган тақдирда:

улар фаолиятнинг мазкур тури бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритишлари, чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи гувоҳномага эга бўлишлари ва савдо корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашлари керак»;

ўз маҳсулотларини юридик шахс балансидаги фирма дўконлари орқали сотганда, мазкур юридик шахслар солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотларини сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомнинг 14-банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасининг белгиланган чекланган устамасидан ортиқ бўлган, маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак бўлган чакана нарх билан сотиб олиш нархи ўртасидаги тафовут ялпи даромадга солиқни ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объектига киритилмайди».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Жамғарма маблағлари:

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, шу жумладан фойдаланиш эҳтиёжлари учун жиҳозлаш (машина ва механизмлар сотиб олиш) ва йўл диагностикасига;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари ва Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг муҳандис-техник ходимлари ва бошқарув аппарати ходимлари малакасини оширишга;

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси таъминотига, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг улар томонидан бажариладиган буюртмачи функциялари харажатларини қоплашга сарфланади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

«а» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «кичик бандларида» сўзлари «а-1» кичик бандларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги «а-1» кичик банди билан тўлдирилсин:

«а-1) коммунал хўжалиги тизими корхоналари томонидан маблағлардан маж-

бурий ажратмалар — сотиб олиш қийматини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни — тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхоналари учун — иссиқлик энергиясини, сув таъминоти корхоналари учун — сувни, газ таъминоти корхоналари учун — табиий газни сотиш ҳажмидан»;

«в» кичик бандидаги «видео ва аудиокассеталарни» сўзлари «видео ва аудиоманбаларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в-1» кичик бандидаги «лизинг бўйича (фоизлар)» сўзлари «лизинг берувчи (маржа)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик бандининг биринчи ва иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«сотиб олинган ва вақтинча олиб келинадиган автотранспорт воситалари қийматидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ушбу воситаларнинг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан — сотиб олинган ва вақтинча олиб келинган автотранспорт воситаларининг (енгил автомобиллар, автобуслар, микроавтобуслар, юк автотранспорт воситалари ва махсус автомобиллар)нинг баҳосидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказишдаги қийматидан тўланадиган йиғимлар ҳисобига шакллантирилади.

Йиғимлар бевосита транспорт эгалари (фойдаланувчилар) томонидан автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш жойидаги туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг тегишли транзит ҳисоб рақамларига тўланади»;

«и» кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«и) хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзити учун йиғимлар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир автоташувчи учун белгиланган микдорларда»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар ушбу банднинг «а», «а-1», «б», «в», «в-1» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, бу ҳолда у алоҳида ҳисоб-китоб юритиши ҳамда тўловларни Жамғармага фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак».

б) 9-банд биринчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича харажатларни молиялаштиришга Жамғарманинг махсус мақсадли ҳисоб рақамига тушадиган пул маблағларини ўтказиш учун буюртмачилар — «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банкларда молиялаштиришнинг махсус ҳисоб рақамлари очилади.

Буюртмачилар — «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотларининг сақлаш бўйича харажатларини тўлаш тасдиқланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ алоҳида депозит ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Жамғарманинг валюта маблағларини сарфлаш транзит магистраль йўлларни таъмирлаш ва сақлаш, чет элда ишлаб чиқарилган йўл техникаси, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материаллар сотиб олишга, шунингдек «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Жамғарманинг малакали кадрларини чет элда ёки хорижий мутахассисларни республикага таклиф этган ҳолда тайёрлаш учун «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг

харажатларини молиялаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

в) 29-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«йўл хўжалиги ташкилотлари — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ни сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажаришдан олинадиган даромадлар бўйича»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши «тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлардан ташқари» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 30-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ни сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажаришдан олинадиган даромадлар бўйича»;

д) 31-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ни сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш — фойдаланиш корхоналари»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар — фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияларга эга бўлган автотранспорт корхоналари — йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналиш таксиларидан ташқари)»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар — автотранспорт воситаларини битта тизим (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси) ичида балансдан балансга бепул беришда»;

«лизинг ёки лизинг берувчи — Ўзбекистон Республикаси резиденти билан сублизинг шартномаси бўйича лизинг олувчилар — бундай шартномада автотранспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқининг сотиб олиш қийматини тўламасдан ўтиши назарда тутилганда ва барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

10-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 37-банддаги «назарда тутиладиган ставкалар бўйича махсус солиқ» сўзлари назарда тутиладиган ставка бўйича мажбурий ажратмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбошидаги «назарда тутиладиган ставкалар бўйича солиқ» сўзлари «назарда тутиладиган ставка бўйича мажбурий ажратмалар» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

524 Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига мувофиқ ҳамда Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини, шу жумладан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашда қатнашувчи корхоналар сонини кўпайтириш йўли билан, янада мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича махсус комиссия (Ў.Т. Султонов)нинг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарори 3 ва 4-иловаларини:

тайёр маҳсулотларнинг янги турларини, улар учун қисмлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 1-иловага* мувофиқ рўйхати билан;

хом ашё, компонентлар ва саноат материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 2-иловага* мувофиқ рўйхати билан тўлдириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорининг 5-бандида назарда тутилган имтиёзлар Маҳаллийлаштириш дастурига ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ янгидан киритилган корхоналарга 2004 йил 1 декабрдан бошлаб татбиқ этилади.

3. Махсус комиссия (Ў.Т. Султонов)га Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 1—4-иловаларга киритилган лойиҳалар параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига ва 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 82-модда) 3-иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 декабрь,
620-сон

* 1-2-иловалар берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 30 декабрдаги 620-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон ҳамда
2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига:

а) 1-иловада:

«Фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришлар» бўлимидаги 8, 19 ва 27-позициялар чиқариб ташлансин;

«Янги ишлаб чиқаришлар» бўлимидаги 7-позиция чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадаги 12, 15, 17, 19, 20 ва 21-позициялар чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

26, 81-позициялар ҳамда 58-позициядаги «Қувасойцемент» АЖ лойиҳаси чиқариб ташлансин;

9-устуннинг 39-қаторидаги «10» рақами «0» рақами билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

22 ва 25-позициялар чиқариб ташлансин;

10-устуннинг 19-қаторидаги «5,1» рақами «0» рақами билан алмаштирилсин;

д) 6-иловадаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи, комиссия котиби», «Вазирлар Маҳкамаси комплекси котибияти мудирининг ўринбосари» ҳамда «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бош мутахассиси» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирининг, комиссия котиби», «Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» ҳамда «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига иловада:

а) 3-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «(параметрларига)» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш Махсус комиссия раиси томонидан тасдиқланган Махсус комиссия протоколи асосида амалга оширилади».

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MAPKAZИЙ CAЙЛОВ
KOMИCCИЯCИНИНГ ҚАРОРИ

525 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайло тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида бўлиб ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. 94 округда ёки округлар умумий сонининг 78 фоизидан битта депутатлик ўринга 4—6 номзод қўйилган эди.

Округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича 58 та сайлов округида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламаганлигини аниқлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та сайлов округида такрорий овоз бериш 1-иловага мувофиқ 2005 йил 9 январда ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки,

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури* тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

* Дастур берилмайди.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б. МУСТАФОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 декабрь,
237-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссиясининг
2004 йил 29 декабрдаги 237-сон қарорига
1-ИЛОВА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

- 3-Темирйўл сайлов округи
- 5-Қўйлиқ сайлов округи
- 7-Дўмбиробод сайлов округи
- 8-Ҳадра сайлов округи
- 10-Астробод сайлов округи
- 11-Тўқимачи сайлов округи

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

- 14-Балиқчи сайлов округи
- 16-Асака сайлов округи
- 18-Булоқбоши сайлов округи
- 19-Жалолқудуқ сайлов округи
- 20-Қўрғонтепа сайлов округи
- 21-Избоскан сайлов округи

БУХОРО ВИЛОЯТИ

- 26-Варахшо сайлов округи

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

- 31-Дўстлик сайлов округи

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

- 34-Навоий сайлов округи
- 35-Қизилтепа сайлов округи
- 37-Хатирчи сайлов округи

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

- 38-Поп сайлов округи
- 39-Чуст сайлов округи
- 42-Янгиқўрғон сайлов округи
- 43-Уйчи сайлов округи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

- 48-Сугдиёна сайлов округи
- 49-Булунғур сайлов округи
- 50-Иштихон сайлов округи
- 52-Қорадарё сайлов округи
- 53-Нарпай сайлов округи
- 54-Оқдарё сайлов округи
- 55-Пастдарғом сайлов округи

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 61-Сайхун сайлов округи
- 62-Янгиер сайлов округи

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 63-Шеробод сайлов округи
- 64-Ангор сайлов округи
- 65-Термиз сайлов округи
- 66-Жарқўрғон сайлов округи
- 67-Қумқўрғон сайлов округи
- 68-Шўрчи сайлов округи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

- 71-Ангрен сайлов округи
- 73-Бўка сайлов округи
- 75-Зангиота сайлов округи
- 77-Паркент сайлов округи
- 78-Тўйтепа сайлов округи
- 79-Чиноз сайлов округи
- 80-Чирчиқ сайлов округи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

- 83-Бешариқ сайлов округи
- 84-Данғара сайлов округи
- 85-Яйпан сайлов округи
- 86-Қўқон сайлов округи
- 89-Риштон сайлов округи
- 91-Охунбобоев сайлов округи
- 93-Фарғона сайлов округи
- 94-Водил сайлов округи
- 95-Тошлоқ сайлов округи

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 104-Қарши сайлов округи
- 106-Қамаши сайлов округи

- 110-Китоб сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

- 114-Нукус сайлов округи
- 118-Хўжайли сайлов округи
- 119-Чимбой сайлов округи

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MAPKAZИЙ CAЙЛОВ
KOMИCCИЯCИНИНГ ҚАРОРИ**526 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида**

2004 йил 26 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. Бунда ҳар бир сайлов округи бўйича битта депутатлик ўринга камида 3 нафар номзод, Андижон, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида аса 4-5 номзод қўйилган эди.

Депутатликка номзодлари кўрсатилганлар орасида хотин-қизлар 30,1 фоизни ташкил этди.

Овоз бериш натижалари бўйича 946 та сайлов округида ёки округлар умумий сонининг 15 фоизида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва «Маҳаллий давлат, ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришни 2005 йил 9 январда ўтказиш тавсия этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилиши керак.

2. Янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг биринчи ташкилий сессиялари 2005 йил 11—15 январь кунлари ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йил 17—19 январь кунлари ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ депутатларнинг қўшма мажлиси ишида Марказий сайлов комиссиясининг вакили иштирок этиши шарт.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 декабрь,
238-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

527 Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
25 декабрда 1436-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 4 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 декабрь 368-сонли «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2004 йил 5 май 209-сонли «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 декабрь,
119-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 13 декабрь,
2004-63-сон

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 13 декабрь,
01/06-20-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

528 Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
25 декабрда 1437-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 4 январдан кучга киради)

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига мувофиқ **қарор қилинади:**

1. Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 9 декабрь,
2004-68-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

529 Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни уммутаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 декабрда 1438-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 294-сонли «2004/2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорининг 5-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. «Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни уммутаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
82-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
286-сон

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
46-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
95-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши
раиси Д. ЖАҲОНГИРОВА**

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт
вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг
2004 йил 7 декабрдаги 82, 286, 46,
95-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим
йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган
битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим
муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сонли «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 294-сонли «2004-2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорини бажариш ҳамда таълим муассасалари, айниқса умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланишини яхшилаш, ишга тақсимланадиган ёш мутахассисларни (бундан кейин битирувчилар) ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини, уларни камида уч йил ишлаб бериш шarti билан, таълим муассасаларига, биринчи навбатда умумтаълим мактабларига ишга тақсимлаш қоидалари ва тартибини ўз ичига олади.

2. Олий таълим муассасаларига педагогика ва касбий таълим йўналишлари бакалаврият ва магистратура бўйича давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар билан ректор ўртасида ўқишни тамомлагандан сўнг таълим муассасаларида камида уч йил ишлаб бериш тўғрисида шартнома ўқув йили бошида яъни сентябрь ойида имзоланади.

3. Олий таълим муассасаларини педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага

тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани якунлагандан сўнг ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади.

4. Агар битирувчи Олий таълим муассасаларини педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича бакалаврият ва магистратура бўйича давлат грантлари асосида ўқиган тақдирда унинг ишлаб бериш мажбурияти уч йил деб ҳисобланади.

5. Педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчилари доимий яшаш жойига қараб ишга тақсимланади.

6. Битирувчиларни эгаллаган таълим йўналиши ва касбий тайёргарлигига кўра доимий яшаш жойига қараб, аниқ бир мактабларга, коллежларга тақсимлашни мувофиқлаштириш учун Халқ таълими вазирлиги қошида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Махсус комиссия тузилади (бундан кейин Махсус комиссия).

II. Битирувчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва буюртмаларни шакллантириш

7. Тассаруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни, мавжуд иш жойлари ҳақидаги маълумотларни, таълим муассасаларининг фанлар, тиллар кесимидаги олий маълумотли педагогларга бўлган эҳтиёжни ҳар йили 1 апрелга қадар аниқлайдилар ҳамда Махсус комиссияга иш жойи кўрсатилган ҳолда, кафолатланган талабнома(буюртма) ни тақдим этадилар.

8. Махсус комиссия олий маълумотли педагогларга бўлган эҳтиёж ҳамда уларга бўлган буюртмаларни умумлаштириб, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасаруфидаги олий таълим муассасалари битирувчилари тақсимоти кўрсаткичларини шакллантиради.

9. Махсус комиссия томонидан буюртмалар асосида шакллантирилган тақсимот кўрсаткичлари олий таълим муассасаларига юборилади.

10. Битирувчиларни ишга тақсимлаш улар олий таълим муассасасини битиришидан камида 1 ой олдин ўтказилади.

III. Битирувчиларни ишга тақсимлаш тартиби

9. Битирувчиларнинг тақсимоти олий таълим муассасаси ректори тасдиқлаган тақсимот комиссия томонидан ўтказилади. Комиссия таркибига: олий таълим муассасаси ректори — комиссия раиси, факультет декани, кафедра мудирлари, ҳудудий халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари вакиллари аъзо қилиб киритилади.

10 Олий таълим муассасаси томонидан битирувчилардан доимий яшаш жойидаги қайси таълим муассасасида ишлашни хоҳлаши тўғрисида сўров-анкеталари тўлдириб олинади ва улар битирувчиларни ишга тақсимланиш жараёнида инобатга олинади.

11. Тақсимот комиссияси:

а) Битирувчиларни олий таълим муассасасида эгаллаган таълим йўналишлари ва малакасига, педагог кадрларга бўлган буюртмага асосан ҳамда уларнинг рейтинги, оилавий шароити, доимий яшаш жойи ва таклиф этилаётган иш жойларида ишлаш истагини ҳисобга олган ҳолда ишга тақсимлайди.

б) Ҳар бир битирувчини таклиф қилинаётган иш жойи, меҳнат ва маиший шартлар, лавозими, иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради;

в) Мажлис баённомаси ва битирувчилар шахсий тақсимоти қайдномасини юритади (1-илова).

12. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт бўйича таълим олган битирувчилар ўз ихтиёри билан тақсимот комиссиясида иштирок этиши ва унинг розилиги асосида комиссия қарори билан таклиф этилаётган иш жойларига ишга юборилиши мумкин.

13. Агар тақсимот комиссияси битирувчини иш билан таъминлай олмаса, унга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади (2-илова).

14. Комиссия ишини тугатгандан сўнг битирувчиларни, уларнинг саломатлиги, оилавий шароити ўзгариши асосида, қайта тақсимлаш ҳудудий халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

15. Олий таълим муассасалари тақсимот комиссияси иши тугагач бир ҳафталик муддатда таълим муассасаларига юборилаётган ҳар бир битирувчига ишга юборилганлиги тўғрисидаги йўлланмани (3-илова) тўлдириб, уни тасдиқлаб бериш учун комиссия қарори ва тақсимот рўйхатидан кўчирма билан бирга тегишли ҳудудий халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарув органига юборадилар.

Ўз навбатида тегишли ҳудудий таълим бошқарув органлари томонидан ўн кун муддатда йўлланма тасдиқланиб, олий таълим муассасасига қайтарилди.

16. Битирувчига олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломдан кўчирма, ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмани топшириш ўқишни тугатганидан сўнг уч кундан кечиктирмасдан амалга оширилади. Олий таълим муассасаси ректори битирувчига дипломдан кўчирма, ишга юборилаётганлик тўғрисида йўлланмани ўз вақтида берилишига шахсан жавобгардир. Битирувчига белгиланган нусхадаги йўлланма ўрнига бошқа ҳужжатлар берилишига рухсат берилмайди.

17. Мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани олган битирувчиларга тегишли олий таълим муассасасининг дипломини асл нусхаси берилди.

18. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари директорлари Олий таълим муассасаси битирувчилари билан ўрнатилган тартибда ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмага мувофиқ меҳнат шартномаси тузади.

19. Битирувчилар ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмада кўрсатилган муддатда иш жойларига етиб боришлари шарт.

IV. Битирувчиларга бериладиган имтиёзлар

20. Ишга тақсимланган битирувчи мактаб, академик лицей ёки касб-хунар коллежига ишга жойлашгач, таълим муассасаси унга меҳнат қилиши учун шарт-шартларни яратади.

21. Олий таълим муассасаларини тугатган ва таълим муассасасига ишга юборилган битирувчи тақсимот комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда олий таълим муассасаси тегишли бўлган вазирликка ҳамда судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

V. Яқуний қоидалар

22. Битирувчи узрсиз сабабларга кўра тайинланган жойда ишлашни хоҳлама-са, унга нисбатан амалдаги қонунчилик асосида чоралар кўрилади.

Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

200__ й. _____ да _____ ни
(олий таълим муассасаси номи)

БИТИРУВЧИЛАР ШАХСИЙ ТАҚСИМОТИ ҚАЙДНОМАСИ

Т/р	Фамилияси, исми шарифи	жинси	туғилган йили	миллати	ойлавий аҳволи	доимий яшаш жойи (ота-онасининг манзили)	Битирувчи тугатган таълим йўналиши	Қаерга ишга юборилади			Битирувчи имзоси
								вилоят халқ таълими бошқармаси (номи)	муассаса (ташкилот) номи	лавозими	

МУСТАҚИЛ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИАТИ
БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
№__ МАЪЛУМОТНОМА

200__ й. «__» _____ да
_____ ни
(ўқув юрти номи тўлиқ ёзилади)

_____ мутахассислиги бўйича таомлаган
_____ га
(исми, шарифи тўлиқ ёзилади)

Педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини, уларни камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, биринчи навбатда умумтаълим мактабларига ишга тақсимлаш ҳақидаги Низомнинг III бўлим, 13-бандига биноан мустақил ишга жойлашиш имконияти берилди.

Олий ўқув юрти ректори _____ М.Ў.
(имзо)

Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Битирувчи ишга қабул қилингандан сўнг 5 кунлик муддатда тўлдирилиб ўқув юртига қайтарилиши лозим.

МУСТАҚИЛ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИАТИ
БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ
№__ МАЪЛУМОТНОМАГА ТАСДИҚ

200__ й. «__» _____ да
_____ таомлаган
(ўқув юрти номи)

_____ лавозимига
ишга қабул қилинди.

_____ туман халқ таълими бўлими мудирини _____ (имзо)

_____ М.Ў.

_____ (Вазирлик номи)

ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА
№ _____ йўлланма бўлаги

200__ й. _____ да _____
_____ (ўқув юрти номи)
_____ ни
_____ (тўлиқ ёзилади)

_____ мутахассислиги бўйича
тамомлаган

_____ (исми шарифи тўлиқ ёзилади)

_____ лавозимида
ишлаш учун _____
_____ (халқ таълими бошқармаси ёки муассаса номи)

_____ ихтиёрига
юборилади

Етиб келиш муддати 200__ й. «__»

М.Ў. «__» _____ 200__ й.

_____ (Вазирлик номи)

ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА
№ _____ йўлланма

200__ й. _____ да _____
_____ (ўқув юрти номи)
_____ ни
_____ (тўлиқ ёзилади)

_____ мутахассислиги бўйича
тамомлаган

_____ (исми шарифи тўлиқ ёзилади)

_____ лавозимида
ишлаш учун _____
_____ (халқ таълими бошқармаси ёки муассаса номи)

_____ ихтиёрига юборилади

Етиб келиш муддати 200__ й. «__»

Кадрлар бошқармаси _____ М.Ў.
(бўлими) бошлиғи _____ (имзо)

«__» _____ 200__ й.

_____ (ихтиёрига битирувчи юборилган бошқарма номи)

ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА
№ _____ йўлланма

200__ й. _____ да _____
_____ (ўқув юрти номи)
_____ ни
_____ (тўлиқ ёзилади)

_____ мутахассислиги бўйича
тамомлаган

_____ (исми шарифи тўлиқ ёзилади)

_____ лавозимида
ишлаш учун _____
_____ (халқ таълими бошқармаси ёки муассаса номи)

_____ ихтиёрига юборилади
_____ (бўлими ёки муассаса номи ва маъзили)

Етиб келиш муддати 200__ й. «__»

Вилоят халқ таълими _____ М.Ў.
бошқармаси бошлиғи _____ (имзо)

Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Битирувчи иш жойига келгач 5 кунлик муддатда тўлдирилиб, вилоят халқ таълими бошқармасига қайтарилди.

ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА
№ _____ йўлланма

_____ (туман халқ таълими бўлими номи)

_____ маълум қиладики,
_____ (ўқув юрти)
_____ ни тамомлаган
_____ номи кўрсатилади)

ўрт. _____ (исми шарифи тўлиқ ёзилади)

200__ «__» _____ да иш
жойига етиб келди ва _____
лавозимига тайинланди

М.Ў. _____ туман халқ
таълими бўлими мудирини _____ (имзо)

«__» _____ 200__ й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**530** Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
31 декабрда 1345-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 10 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида низомга (2004 йил 30 апрель, рўйхат рақами 1345 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил апрель, 17-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 ноябрь,
24/13-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 25 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 13 декабрдаги 119, 2004-63, 01/06-20-сон қарори.*

2004 йил 25 декабрда 1436-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 4 январдан кучга киради).

2. «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 9 декабрдаги 2004-68-сон қарори.*

2004 йил 25 декабрда 1437-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 4 январдан кучга киради).

3. «Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 7 декабрдаги 82, 286, 46, 95-сон қарори.*

2004 йил 29 декабрда 1438-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 январдан кучга киради).

4. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 26 ноябрдаги 24/13-сон қарори.*

2004 йил 31 декабрда 1345-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 январдан кучга киради).

